

ҲАР КУНИМИЗ ЯХШИЛИК-У, БАЙРАМ БЎЛСИН!

ҲАР КУНИМИЗ ЯХШИЛИК-У, БАЙРАМ БЎЛСИН!





Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Сурхондарё вилоятида уюлмаган аҳоли ва ёшлар иштирокида “Ҳар кунимиз яхшилик-у, байрам бўлсин!” шиори остида маданият ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида вилоят маданият бошқармасининг режа жадвали асосида туман маданият бўлими томошабинлар залида “Ҳар кунимиз яхшилик-у, байрам бўлсин!” шиори остида тадбир ўтказилди.





Ушбу тадбирдан асосий мақсад 2021 йилда ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини жорий этиш асосида тумандаги ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда тўғарак ва жамоаларга қизиқтириб боришдан иборат.





Шунингдек тадбирда “Бойсун” фольклор этнографик халқ ансамбли, “Шалола” ашула ва рақс халқ ансамбли, Ифтихор ёшлар жамоаси, 6-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари, 33-сонли мактабнинг “Ашула ва рақс” тўғараги аъзолари, 32-сонли мактабнинг истеъдодли ёш ҳаваскор бахшилари ўз дастурлари билан фаол иштирок этишди.



Тадбир давомида ёш ҳаваскор, истеъдодли ёшларимиз томонидан ижро этилган

рақслар ва қўшиқлар тадбирга ташриф буюрган томошабинларнинг кайфиятига кўтаринкилик бағишлади.